1 417 ЎЗИЛМАЛА ТАШҚУ

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЯПТИ!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ШОН-ШУҲРАТИ УЧУН ЖОН КУЙДИРАДИГАН ҲАР БИР КИШИ ДАЛАГА ЧИҚСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 227 (12.580) | Шанба, 28 сентябрь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Пахтакор ўртоқ! ❋ Меҳнатимиз гавҳари—пахтанинг бир грамми ҳам нобуд бўлмасин ❋ *Тонналарнинг граммлардан ҳосил бўлишини унутманг* ❋ **Хом пахтанинг терилишига, ифлос қилинишига „оқ олтин“нинг ерларга, йўлларга тўкилиб оёқ ости бўлишига йўл қўйманг!**

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ БОЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ Кубань совхозларида

КРАСНОДАР, 26 сентябрь. (Матбуот группаси). Кубань ерлари жуда серҳосил, бу ерлар одам меҳнатига яраша мўл маҳсулот беради. Кубань деҳқонлари бу йил эришган муваффақиятлари билан ҳаммани айиқса қувонтирмоқдалар. Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасининг галлакорлари қишлоқ меҳнаткашларининг Бутуниттифоқ мусобақасини бошлашда ташаббусчи бўлиб, саксон минг гектардан кўпроқ ернинг ҳар гектаридан қарийб 40 центнердан дон олдилар. Бу—меҳнатнинг ажойиб ғалабасидир! Кубанликлар Ватан олдида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятни бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Шу дамгача улар мамлакат омборларига 175 миллион пуд дон тўкиб қўйдилар.

Бу ўлканинг колхозлари ва совхозларида ердан самарали фойдаланиш соҳасида кейинги йилларда катта иш қилинди. Куяги буғдой, маккажўхори, қанд лавлаги, ҳўжат сингари қимматли экинлар экилаётган майдонлар кенгайтирилди, уларнинг ҳосилдорлиги оширилди. Шоли, маккажўхори ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил олишни таъминлайдиган суғориладиган деҳқончилик тобора кенг ривожлантирилмоқда. Суғориладиган асосий экин бўлган шолн бу ўлкада бундан ўн йил муқаддам 12,8 минг гектар ерга экилган бўлса, бу йил 41 минг гектардан кўпроқ ерга экилди.

Кубаннинг бир қанча хўжаликларида суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланиш соҳасида қимматли тажриба тўпланди, бу ишнинг кўпгина яхши миришкорлари — агрономлар, бригадирлар, звено бошлиқлари, сувчилар ўсиб етишди.

Масалан, Славянский ишлаб чиқариш бошқармасидаги Красноармейский совхозининг шоликорлари мўл ҳосил олишда ўзларининг моҳир уста эканликларини кўрсатдилар. Бу хўжалик Кубань дарёсининг этакларидаги ерларга жойлашган. Қадим вақтларда кўпинча сув босадиган бу ерларда шоликорлик йилдан-йилга кенгайтирилмоқда, шолининг ялпи ҳосили кўпаймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов «Красноармейский» совхозига борганликлари кеча хабар қилинган эди. Краснодар қишлоқ ўлка партия комитетининг секретари Г. И. Воробьев, Краснодар саноат ўлка партия комитетининг секретари А. И. Качанов, ўлка ижроия комитетларининг раислари И. Т. Трубилин ва А. Н. Чуркин ҳам улар билан бирга совхозга келишди.

Ҳозир шоликор ерларда ҳосил ўрим-йиғими қизиғи бормоқда. Баъзи пайкалларда шоли эндигина ўриб олиниб, йиғиштириб қўйилмоқда, баъзи пайкалларда қуриб тобига етган шолини янчимоқдалар. Асосий ишларнинг ҳаммаси машиналаштирилган.

Машиналар шолипоя чеккасига келиб тўхтайди. Бу ерда шолини эндигина ўришга киришганлар. Ўртоқ Н. С. Хрущев ишчилар ва мутахассислар билан қизғин саломлашади.

— Бу участкада ҳосил қалай? — деб сўради Никита Сергеевич

— 50-55 центнердан шоли олишни мўлжаллаб турибмиз, — деди совхоз директори А. И. Майстренко.

— Совхозда ўрта ҳисобда қанча ҳосил олмоқчисиз? — деб савол беради Н. С. Хрушчев.

— Тахминан 40-45 центнер, — дейди совхоз директори.

Никита Сергеевич шолининг турли навлари учун вегетация даври қандайлигини, шолини ўриб олишга киришмасдан неча кун олдин шолипоянинг суви чиқариб ташланишини, шоли похолидан қандай фойдаланиш лаётганлигини суриштиради.

— Шоли похоли, — дейди бўлим бошқарувчиси агроном В. Е. Светличний, — чорва моллар учун жуда яхши озуқадир.

Славянский партқомининг секретари А. С. Эктов бу гапга илова қилиб:

— Шолининг похоли буғдой ва арпа похолидан яхшироқ, — дейди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев комбайнчи Юрий Земляной ва унинг ёрдамчиси Владимир Курячий билан, совхоз ишчиси Клавдия Федорова билан суҳбатлашади, улар қанча шоли янчганликларини, машиналар қандай ишлаётганлигини, қанча ҳақ олаётганликларини суриштиради.

Сувчи, айни вақтда лафетли жатка машинисти С. А. Ястребов, биз гектар бошига 60 центнердан дон олмоқдамиз, дейди.

— Чакки эмас, — деди Никита Сергеевич.

(Давоми иккинчи бетда).



— Тағин ҳар гектаридан 15 центнердан ҳосил кўтарамиз, бу— Мамажон ота Тошматовнинг пахтакорлик касб-корини улуғлаш ҳақидаги чақириғига бизнинг муносиб жавобимиз бўлади, — дейишяпти Ромитан ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхознинг Жаббор Болтаев бошлиқ бригада аъзолари. Суратда: кунига 220-240 килограммдан пахта тераётган моҳир теримчи Раҳаб Сатторова ва Орзи Ҳамроева.

А. Усмонов фотоси,

„КЕМАЛАР“ СУРЪАТНИ ОШИРДИ

Яхлит пахтазорлар. Колхоз раиси Ҳолматжон Марозиқов «зангори кема»лар жавлон уриб ишлаётган участкага қараб бошлаб боряпти.

— 920 гектар еримизнинг ҳаммасида ҳосил сербарака бўлди,— дейди раис йўл-йўлакай биз билан суҳбатлашиб боркан.— Ўтган йили давлатга 1978 тонна пахта топширган эдик. Бу йилги мўлжалимиз 2500 тонна! Бу — гектар бошига ўртача 27 центнерданга тўғри келади. Ҳар бир пахтакор ҳисобига 65 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалланяпти.

Мана, Аббосжон Неъматов бошлиқ бригада ерларида «зангори кема»лар группа бўлиб ишлаяпти.

Терим машиналарининг олдида карвонбоши бўлиб келаётган Усмонжон Солиев ўз агрегатини чаққонлик билан навбатдаги қаторларга бурди ю, тормоз берди. У билан сўрашдик. Ишлари билан қизиқдик.

— Ишларимиз жуда юришиб кетди,— дейди Усмонжон. — Мен теримнинг биринчи кунидаёқ ўз агрегатимнинг бункеридан 1520 килограмм пахта тўкдим. Эртасига икки тонна, индинига уч тоннадан ошириб пахта тердим. Ҳозир кунига ўрта беш тоннадан теряпман. Мажбуриятим 125 тонна. Ваъдамни байрамгача бажариб, колхозимизнинг катта пахта хирмонига ўз улушимни қўшаман.

Тўхтабой Маърупов, Робия Эргашева, Ҳолматжон Ёқубов ва Тожиали Ашуров ўртоқлар ҳам бу йилги мавсумда 130-150 тоннадан пахта теришга аҳд қилишиб, зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Колхоз бу йил пахта майдонининг 60 процентидаги ҳосилни машиналарда териб олишни планлаштирган.

«Зангори кема»лар ишга тушгач, пахта тайёрлаш суръати қанот боғлади. Қўл билан пахта терилаётганда ҳар куни йиллик планнинг 1,2-1,5 процентн миқдорида пахта тайёрланган бўлса, машиналар ишга тушгач кундалик суръат 3 процентга ва ундан ҳам юқорироққа кўтарилди. Ҳозир Марказий Фарғонанинг қоқ юрагида жойлашган Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз кунига давлатга йиллик планнинг 3 процентидан ошириб пахта сотмоқда.

Т. МАҲМУДОВ.

ЭРКАКЛАР ТЕРИМДА КЎРИНМАЙДИ

Нурота ишлаб чиқариш бошқармасидаги 1-«Қўшровот» совхози 6-бўлимининг пахтакорлари 568 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кеча-кундузда ҳамма пайкалларда пахта қийғос очилган. 14150 центнер «оқ олтин»ни ўз вақтида йиғиб-териб олиб, социалистик мажбуриятни бажариш учун етарли куч ва барча имкониятлар мавжуд.

Бўлимнинг 1, 2 ва 5-бригадаларида теримга анча уюшқоқлик билан киришилди.

Бироқ А. Назаров, С. Сулаймонов ўртоқлар бошлиқ 3 ва 4-бригадаларда терим суръати паст. Бу бригадаларнинг пахта далаларида ишлаётган кўпгина ишчилар кунлик терим нормасини бажармаётирлар. Меҳнат интизоми бўш, теримчилар ишга кеч чиқиб, эрта қайтадилар. Пахтани сортларга ажратиб теришга эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, хом пахта терилаётир. 3-бригадада 60 киши ўрнига 40 киши, 4-бригадада эса 80 киши ўрнига 49 киши пахта тераётир.

Бригада бошлиқлари иш бошида онда-сонда бўладилар. Айниқса 6-бригададаги аҳвол ташвишли. 60 киши ўрнига атиги 16 киши ишлаётир. Бўлимнинг ҳамма бригадаларида эркаклардан бирон киши теримда қатнашмаяпти.

Шу карса ачинарлики, далада ишлаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш раҳбарларнинг хаёлига келмаяпти. Далада иссиқ овқат ташкил этилмаган. Теримчилар тушда овқатланиш учун уйларига қатнайдилар. Бу эса иш унумининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Дала шийпонлари меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқариб, дам оладиган жойи бўлиши керак. Аммо бўлим бошлиғи А. Иброҳимов ва бошланғич партия ташкилотининг секретари Б. Ҳаққулов ўртоқлар бу ҳақда ўйлаб кўрганлари ҳам йўқ.

О. ЯҲЁЕВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети областлар ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари ўртасидаги дағал ҳашак тайёрлаш ва силос бостириш бўйича социалистик мусобақанинг сентябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Хоразм областида** (область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Раҳимов**, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Муродов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Оратовский**) қолдирилди, бу область дағал ҳашак тайёрлаш планнни 107,6 процент ва силос бостириш планини 52,9 процент бажарган, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида 13 процент дағал ҳашак ва 11,7 процент силос тайёрланишига эришган.

Кўчма Қизил байроқ Хоразм областидаги **Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасига** (бошқарма бошлиғи Ўртоқ **Маҳмудов**, партия комитетининг секретари Ўртоқ **Раҳабов**) берилди. Бу бошқарма дағал ҳашак тайёрлаш планини 108,5 процент, силос бостириш планини эса 55,3 процент бажарган, ўн кунликда 18,4 процент дағал ҳашак тайёрлашга, 19,7 процент силос бостиришга эришган. Байроқ Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Хоразм областидаги **Шовот ишлаб чиқариш бошқармасига** (бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўртоқ **Муҳаммаджонов**, партия комитетининг секретари Ўртоқ **Назаров**) берилди. Бу бошқарма дағал ҳашак тайёрлаш йиллик планини 104,5 процент, силос бостириш планини 58,7 процент бажарган, ўн кунликда йиллик планнинг 20,7 процентн миқдорида дағал ҳашак тайёрлаган ва 15,5 процент миқдорида силос бостирган. Байроқ Хева ишлаб чиқариш бошқармасидан олиб берилди.

Хоразм областидаги Гурлан, Бухоро областидаги Қоракўл, Қорақалпогистон АССРдаги Чимбой ишлаб чиқариш бошқармаларида дағал ҳашак тайёрлаш ва силос бостириш ишлари яхши ташкил этилганлиги қайд қилинди.

Дағал ҳашак тайёрлаш ва силос бостиришда энг яхши кўрсаткичларга эришган механизаторлар ва колхозчиларни мунофотлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш Хоразм область бошқармасига 500 сўм, Ҳазорасп ва Шовот ишлаб чиқариш бошқармаларига 200 сўмдан пул ажратилди.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

ЎРТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА

	Бир кунда	Мавсумда	Машина терими
Қозоғистон ССРнинг Чимкент области	2,67	30,41	8,36
Ўзбекистон ССР	2,01	29,85	14,56
Қирғизистон ССР	2,30	25,79	5,05
Тожикистон ССР	1,38	25,54	1,39
Туркманистон ССР	1,26	25,01	5,57

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА

Фарғона	2,36	43,16	13,70
Бухоро	1,92	42,03	11,45
Сурхондарё	1,92	36,40	9,63
Андижон	2,34	35,61	11,30
Тошкент	2,72	31,65	24,16
Сирдарё	2,59	24,98	32,49
Хоразм	1,45	18,33	1,27
Қорақалпоғистон АССР	0,98	11,13	1,78
Самарқанд	0,86	6,71	0,16

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН НИНГ ХУРМАТ КИТОБИ

Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг Мурод Бобоев бошлиқ бригадаси аъзолари етиштирилган ҳосилни тез ва тоза йиғиб-териб олиш учун курашиб, катта ғалабага эришдилар. Бригада пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажарди.

А. РАҲМАТОВ.

Ўртоқ Мўмин Равшанов бошлиқ бригаданинг ишчилари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта топшириб, йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Косон бошқармасидаги «Косон» совхози иккинчи бўлимининг бу илғор бригадаси планга қўшимча пахта топширишни давом эттирмоқда.

Т. АЛИҚУЛОВ.

Ўзбекистон бошқармасидаги «Ғаниобод» совхозининг Валижон Эрматов бошлиқ 8-бригадаси гектаридан 15 центнердан «оқ олтин» топшириб марага етди. Бригада аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми очиладиган кунгача ҳар гектаридан яна 10 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.

А. СИДДИҚОВ.

Ўзбекистон бошқармасидаги Ленин номли колхознинг Ис ҳоқжон Ҳошимов бошлиқ бригадасида ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан нисбатан ошди. Бригаданинг ўртоқ Д. Муллажонов бошлиқ звеноси ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 31 центнердан пахта териб олди.

М. МАҲМУДОВ.

ХУРМАТ китобига пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарган, машина теримида юксак кўрсаткичга эришган колхозлар, совхозлар, бригадалар, бўлимлар илғор механизаторлар, чевар теримчилар ҳақида хабарлар бериб борилади.

ҚУТЛОВ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Бразилиянинг миллий байрами — мамлакат мустақиллигининг 141 йиллиги муносабати билан Бразилия президенти Ж. Гулартга Совет Иттифоқи халқлари номидан самимий табрик юбордилар ва тинчликсевар Бразилия халқига фаровонлик тиладилар.

Бразилия президенти Ж. Гуларт ўзининг жавоб телеграммасида бу табриклар учун Бразилия халқи номидан ташаккур изҳор қилди ва дўст совет халқига янада равнақ тилади.

РАИС МАШИНА ШТУРВАЛИДА



ПАХТАКОР, КАСБИНГНИ УЛУҒЛА!

«ҲАР БИР БРИГАДИР, ҲАР БИР РАИС, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ МАШИНАНИ БИЛИБ ОЛИШСИН. Ушанда мана шунақа долзарб кунлар келганида, машина оғирмизни енгил қилади». (Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон ота Тошматовнинг хатидан).

Фарғоналиқ азамат пахтакорлар ҳам Мамажон ота Тошматовнинг ватанпарварлик чақириғига лаббай деб жавоб қайтармоқдалар. Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг пахта майдонлари Марказий Фарғонада жойлашган. Бу колхоз кунига 2—2,5 процент миқдорида пахта тайёрлаб, йиллик планини 40 процентга етказиб қўяй деди.

Колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ Набижон Тошпўлатов бултур ҳам машинага ўзи миниб 10 тонна пахта терган эди. У, Мамажон отанинг мактубини ўқигандан кейин Комилжон Соҳибов бошлиқ бригадада «зангори кема» штурвалини маҳкам тутиб, бир кунда 3 тонна пахта терди. Раис ўзининг асосий вазифасини эрта саҳар туриб ва кечқурунлари бажаришга тўла вақт топяпти.

Яқингача колхозда 200 киши пахта тераётган эди. Ҳозир этак боғлаб мардона меҳнат қилаётган кишилар ёнига яна 300 киши қўшилди. Раис билан ёнма-ён пахта тераётган механик-ҳайдовчи Худойберди Мирзатошев, Мамасидиқ Юсупов ўртоқларнинг ҳар бири кунига 4—5 тоннадан пахта термоқда.

Ш. ЗУҲРИДДИНОВ,
Фарғона область «КОММУНА» газетасининг ходими.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ БОЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Фақат Ястребоғига эмас, бошқа совчилар — Н. Ф. Фиш, Т. Ф. Белая, А. А. Козуб ҳам ўзларига бириктириб қўйилган участкаларда гектар бошига 55.60 центнер шоли етиштирмоқдалар. Совхозининг бош шолиқори Т. А. Портнов кейинги 4 йилда ҳар йил гектар бошига 60.73 центнердан шоли олмоқда.

Красноармейский совхози юксак даражада рентабелли хўжаликдир. Совхоз 1961 йилда 1,6 миллион сўмдан кўпроқ, 1962 йилда эса икки миллион сўмга яқин фойда олди. Бу ерда ҳайдаладиган ернинг ҳар бир гектари 400-500 сўм даромад бермоқда. Энг катта даромад шоликорликдан олинмоқда. Ҳар центнер шоли 8-9 сўмга тушмоқда.

Бироқ, совхоз шоликорлари тағин ҳам арзонроқ шоли олиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Бунинг учун ердан яхшироқ фойдаланиш, шолиқорликда меҳнатни ҳар бир участканинг доимий хўжайини бўладиган қилиб ташкил этиш керак. Шу жиҳатдан қараганда механизациялашган звеноларга тузиш тажрибасини ҳамма жойда ёйишга арзийдиган тажриба деса бўлади. Совхозда мана шундай тўртта звено ишлаб турибди.

Н. С. Хрушчев «Красноармейский» совхозининг далаларини икки соатча айланиб юриб, кўздан кечирди. Машиналар шолипоялар, маккажўхори экилган ерлар, тоқзорлар, боғлар ёнидан ўтиб бормоқда. Ўртоқ Хрушчев хўжалик бўлимларида бўлди, далаларни суғориш системаси билан танишди. Сўнгра у, совхозининг марказий усадьбасига борди. Бу ерда, Маданият уйи олдида уни ишчилар ва мутахассисларнинг катта группаси қизғин кутиб олди.

Совхознинг энг кекса ходими темирчи Иван Фиофанович Бондаренко раҳбарларнинг одати бўйича азиз меҳмонга катта нон-туз тутади. Шу нонни ёнида пиширилган гуруч солинган товоқ ҳам қўйилган. Никита Сергеевич нон ва гуручни тотиб кўрди, меҳмондўстлик учун ташаккур айтди.

Совхоз конторасида Н. С. Хрушчев хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари билан суҳбат ўтказди. Суҳбатда Славянский ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари ҳам қатнашдилар.

Совхоз директори А. И. Майстренко хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичларини қисқача гапириб берди. Совхозда 7.616 гектар ерга, ёки бутун экин майдонининг 74,5 процентига дон экинлари экилмоқда. Бу ерларнинг 4.549 гектари шоли экиш учун, 686 гектари кузги буғдой экиш учун ва 700 гектари дон олиш мақсадида маккажўхори экиш учун ажратиб қўйилган. Алмашлаб экиш майдонларида 2.5 минг гектар ер ем-хашак экинлари билан банд. Бу ерларда асосан силосбоп маккажўхори ва қанд лавлаги ўстирилади.

Экинларнинг ҳосилдорлиги қалай? Бу йил совхоз коллективи бугдой-нинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 30.4 центнердан ҳосил олди. Шолининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз.

Н. С. Хрушчев савол бериб сўради:

— Гектар бошига 60.70 центнер шоли олмоқ учун янада юксак даражага кўтарилмоқчи бўлсангиз, бунинг учун нималар қилишингиз керак?

— Аввало, шолипояларни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва текислаб қўйиш керак, — деб жавоб беради Майстренко.

— Шолибоп ерларни шоли экиш учун тайёрланганда ҳар бир гектарга қанча маблағ сарф бўлади? — деб қизиқиб сўрайди Никита Сергеевич.

— 1.200 сўм, — деб жавоб беради мутахассислар.

— Хўжалигингиз яхшига ўхшайди-ю, — дейди Никита Сергеевич.— лекин шолининг ҳосили камроқ. Шоли сингари экининнг ҳар гектаридан 40 центнер ҳосил олиш унчалик кўп эмас. Бу шолидан олинадиган гуруч бунчалик қаерданда камроқ бўлади. 30 процентни ташкил этиши керак. Шу жиҳатдан қараганда механизациялашган звеноларга тузиш тажрибасини ҳамма жойда ёйишга арзийдиган тажриба деса бўлади. Совхозда мана шундай тўртта звено ишлаб турибди.

Н. С. Хрушчев «Красноармейский» совхозининг далаларини икки соатча айланиб юриб, кўздан кечирди. Машиналар шолипоялар, маккажўхори экилган ерлар, тоқзорлар, боғлар ёнидан ўтиб бормоқда. Ўртоқ Хрушчев хўжалик бўлимларида бўлди, далаларни суғориш системаси билан танишди. Сўнгра у, совхозининг марказий усадьбасига борди. Бу ерда, Маданият уйи олдида уни ишчилар ва мутахассисларнинг катта группаси қизғин кутиб олди.

Совхознинг энг кекса ходими темирчи Иван Фиофанович Бондаренко раҳбарларнинг одати бўйича азиз меҳмонга катта нон-туз тутади. Шу нонни ёнида пиширилган гуруч солинган товоқ ҳам қўйилган. Никита Сергеевич нон ва гуручни тотиб кўрди, меҳмондўстлик учун ташаккур айтди.

Совхоз конторасида Н. С. Хрушчев хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари билан суҳбат ўтказди. Суҳбатда Славянский ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари ҳам қатнашдилар.

Совхоз директори А. И. Майстренко хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичларини қисқача гапириб берди. Совхозда 7.616 гектар ерга, ёки бутун экин майдонининг 74,5 процентига дон экинлари экилмоқда. Бу ерларнинг 4.549 гектари шоли экиш учун, 686 гектари кузги буғдой экиш учун ва 700 гектари дон олиш мақсадида маккажўхори экиш учун ажратиб қўйилган. Алмашлаб экиш майдонларида 2.5 минг гектар ер ем-хашак экинлари билан банд. Бу ерларда асосан силосбоп маккажўхори ва қанд лавлаги ўстирилади.

Экинларнинг ҳосилдорлиги қалай? Бу йил совхоз коллективи бугдойн



Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи Озода Маматова чинакам дала гвардиячиси. У 19 сентябрда теримга тушиб, ҳар куни агрегатининг бункеридан катта хирмонга 4 тоннадан пахта топширмоқда. Комсомол-ёшлардан иборат бу бригада аъзолари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилишган. Суратда: мавсумда 150 тонна пахта териш учун курашаётган Озода МАМАТОВА.

А. Палехов фотоси.

ПУНКТДА ҲАНГОМА

Биз Қарши пахта тозалаш заводи ҳузуридаги тайёрлов пунктидамиз. Пункт дарвозаси олдида пахта ортган автомашиналар, трактор тележкалари, аравалар навбат кутиб турибди. Бунинг сабабини билиш учун завод директори ўртоқ Ш. Ғуломовга мурожаат этдик.

— Транспорт нега тўпланиб қолди?

— Ходимлар танаффусга чиқишган эди...

Маълум бўлишича, бу ерда пахта эрталабдан қабул қилинмас экан. Колхоз ва совхозлардан пахта олиб келган транспорт пахта пункти дарвозаси олдида кундуз соат 2 гача турна-қатор бўлиб туради. Бунинг устига, тайёрлов пункти ходимларининг ишга кеч келиши, товароведларнинг ўзбошимчалиги ва тушлик танаффуснинг бир ярим-икки соатга чўзилиб кетиши сабабли пахта асосан пешиндан сўнг қабул қилинади, холос.

Шу сабабли тайёрлов пунктига колхоз ва совхозлардан юборилган пахтанинг тенг ярми қабул қилинмай қолиб кетади. Натижада машина ва аравалар яна орқага қайтишга мажбур бўлмоқда.

Пахта тайёрлаш пунктида қабул қилиш ишларига тўғоноқ бўлаётган бошқа жиддий сабаблар ҳам бор. Масалан, бу ерда ҳар бири 25 тонналик 2 та катта тарози бўла туриб, улар ҳанузгача монтаж қилинган эмас. Бундан ташқари пахта туширадиган майдончаларни кенгайтириш, янгидан 12 та асфальтланган майдонча ҳозирлаш топшириқлари ҳам бажарилмай қолган.

Бундай ачинарли фактлар Қарши шаҳар партия, совет ташкилотларининг раҳбарларига ҳам, Қарши ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Грибов ва партия комитетининг секретари И. Бузруков ўртоқларга ҳам жуда яхши маълум. Бироқ, улар «бўлганимиз шу» деб елка қисиб ўтирибдилар.

Сурхондарё областидаги бошқа тайёрлов пунктларида ҳам бундай ҳангомаларни кўплаб учратиш мумкин.

Хўш, пахтани қабул қилишдаги бу жиддий нуксонларга яна нималар сабаб бўлмоқда? Шуни айтиш керакки, бу иш билан шуғулланадиган айрим республика ташкилотлари раҳбарларининг беғам туфайли заводлар ва пункт... етказилиб берилиши лозим... ган янги техника ва ускун... шу дамгача жўнатилмаган. ... эса ишнинг белига тепмоқда, ... та тайёрлашга тўғоноқ бўлмо...

Сўзимизнинг исботи учун... рим фактларни келтирамиз: ... тақўрғон шаҳридаги ўртоқ ... ров раҳбарлик қилаётган «Ўз... маш» заводи, область пахта ... лаш заводлари пахта тайёр... пунктларига 51 та транспо... юбориши лозим эди. Шундан ... зиргача бор-йўғи 40 та транс... тер юборилди. Унинг ҳам 16 ... лентасиз, ғилдираксиз бўлганл... кабеллари етишмаётганлиги са... ли ишламаяпти.

Шунингдек, Тожикистон С... даги Нов заводи ва Озарбай... ССРдаги Мусабеков номли за... область пахта тайёрлаш пунк... рига 16 та транспортер юбор... лари планлаштирилгани ҳо... бирорта ҳам жўнатмадилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси ... рилган пахтани ўз вақтида қа... қилиб олишга жиддий хала... бермоқда. Область партия, со... ташкилотлари ва бу муҳим и... даҳлдор бўлган республикад... айрим раҳбар ўртоқлар бун... тегишли хулоса чиқариб олмо... ри ва мавжуд камчиликларни ... да тугатмоқлари керак.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

СУРЪАТНИ ОШИРАЙЛИК

МУХБИРЛАР ХАТИДАН

Редакцияга келаётган хатларда теримчиларнинг ғайрат билан ишлаётганликлари мадҳ этилади, пахта далаларида кўпминг килограммчилар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги, чеварлар ҳар куни 2-3 норма бажараётганлиги кўрсатилади.

Янгийўл бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида теримчилар ўртасида социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Мусобақа натижаларини ҳар 10 кунда якунлаш, илғорларни рағбатлантириб бориш, нормани ошириб бажарганларга қўшимча ҳақ тўлаш тадбирлари белгиланди. Колхозчиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб берилди. Шу туфайли хўжаликда илғор теримчилар сафи тобора кенгаймоқда. Сайёра Турсунова, Малохат Ашрафхонова, Турсунбой Носиров, Роҳия Алчшева, Салоҳат Исмоилова ва бошқа ўнлаб теримчилар ҳар куни 150-160 килограммдан пахта термоқдалар. Бу ҳақда хабар юборган ўртоқ З. Нурматов колхознинг Б. Насриддинов бошлиқ бригадаси ҳар куни йиллик планнинг 3-3,5 проценти миқдорида пахта топшираётганини ҳам маълум қилади.

Ленинград бошқармасидаги «Большевик» колхозининг чевар теримчиси Саломатой Тошматова хирмонга ҳар куни 270-280 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда. Пахта далаларида бундай чеварлар тобора кўпаймоқда. Саломатой шу кунгача 5400 килограмм пахта териб, ўз зиммасига олган мажбуриятининг учдан бир қисмини бажарган бўлса, Қува бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг мавсумда 20 тонна пахта териш мажбуриятини олган теримчиси Ширмонжон Абдуллаева 3 тоннадан оширди. Шу бошқармадаги «Социализм» колхозида Тошпўлат Жумабоев бошлиқ звено гектаридан 20 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиб, планини тўла адо этди. Бу ҳақда М. Йўлдошев, И. Қодиров, Х. Камолов ўртоқлар хабар қилганлар.

Бухоро области пахтакорлари ҳосилни тез йиғиб-териб олиш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Ромитан бошқармасидаги «Ленинизм» колхозидан ўртоқ С. Қодиров юборган хабарда айтилишича, Ғайбулла Файзуллаев бошлиқ бригада аъзоси Тўхтахон Чориева 280-300 килограммга етказиб пахта тераётир.

Ф. Ашуров, Р. Холлиев, Н. Охунжонов ўртоқлар Вобкент бошқармасидаги «Ленинобод» колхозида. Бухоро бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг Саттор Каримов, «Партия XXII съезди» колхозининг Икром Ўлжаев бошлиқ бригадаларида пахта тайёрлаш йиллик планини Октябрь байрамигача бажариш учун социалистик мусобақа қизғин тус олганлигини хабар қилганлар.

Шўрчи бошқармасидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норали Боймуродов раҳбарлик қилаётган «Меҳнат-роҳат» колхозида пахта йиғим-теримига 1350 киши жалб қилинди. Натижада ҳар куни 70 тоннага етказиб пахта тайёрланмоқда.

Пойариқ бошқармасидаги «Москва» колхози, Косон бошқармасидаги «Косон» совхози, Избоскан бошқармасидаги «Победа». Гурлан бошқармасидаги «Октябрь XIV йиллиги», Янгийўл бошқармасидаги Энгельс номли колхоз далаларида терим суръати кундан-кунга авж олаётганлиги ҳақида М. Очилов, Т. Алиқулов, Х. Маллабоев, З. Адамбоев, П. Имомов ўртоқлар хабар ёзиб юборганлар.

Йиғим-терим ишларини жадаллаштиришда колхозчилар, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнат қилишлари учун яхши шароит яратиб бериш, улар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бироқ айрим хўжаликларда теримчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш унутиб қўйилмоқда.

Вобкент бошқармасидаги Ильич номли колхоз 1287 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Колхозчилар 28 августда теримга тушдилар. Бир ҳафта давомида ҳар куни йиллик планнинг 3,5-4 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Лекин кейинги кунларда суръат кескин пасайиб кетди. Масалан, Х. Қурбонов бошлиқ бригадада дастлабки кунларда 5 тонна ва ундан ошириб пахта тайёрланган бўлса, эндиликда 3,5 тоннага тушиб қолди. Пахта эса чамандек очилган. Колхознинг 500 гектарга яқин майдонида ҳали биринчи терим тугалланган йўқ. Шундай экан, суръатнинг пасайиб кетишига нима сабаб бўлмоқда?

Шуни айтиш керакки, колхозда йиғим-терим ишлари яхши ташкил этилмаган. Колхозчилар терган пахтани пайкалнинг ўзида қабул қилиб олиш йўлга қўйилмаган. 17 та пахтачилик бригадасидан бирортасида ҳам болалар боғча ва яслиси ташкил этилмаган. Бунинг оқибатида ёш болали аёллар теримда қатнаша олмаётирлар. Колхоз раиси Содикжон Қозоков, партия комитетининг секретари Саттор Бозоров ўртоқлар ваъда беришдан нарига ўтмаётирлар. Бригадалардаги дала шийпонлари мавсумга мослаб безатилмаган.

Бу ҳақда хабар қилган ўртоқ Х. Исаев колхозда пахта нобудгарчилигига йўл қўйилаётганлигини ҳам айтади. Йўлларда, уватларда тўкилиб ётган пахтани териб олиш учун кишилар ажратилмаган.

Республикамиз механизаторлари бу йил 675 минг тонна пахтани машиналар билан териб бериш мажбуриятини олганлар. Пахта далаларининг гвардиячилари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун бирин-кетин ишга киришмоқдалар. Ленинград бошқармасидаги Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Инъомжон Ҳамидов икки кун ичида 4600 килограмм пахта терди. Унинг мусобақадоши Асалой Гадоева эса икки кунда машина бункеридан 3500 килограмм «оқ олтин» тўкди. Патилахон Эшматова, Турғунбой Эшматов, Абдулазиз Тўйчиев, Турғунбой Мамадалиев ҳам иш унумини тобора ошириб, «ХВС-1,2» агрегатида ҳар куни икки тоннадан пахта териб бермоқдалар.

Янгиер бошқармасидаги 1-«Боёвут» совхози далаларида бу йил 150 та терим агрегати ишлайди. Совхознинг 2-бўлимида 3 та «зангори кема» ишга туширилди. Бошқа бўлимларда ҳам терим агрегатлари бирин-кетин пахтазорга кириб келмоқда. Денов бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг З. Исмоилов бошлиқ бригадасида пахта тайёрлаш суръатига механизатор Жаббор Баҳромов суръат қўшмоқда. У, машинада кунига 3 тоннага етказиб пахта тераётир. Қ. Деҳқонов, Т. Худойбердиев, Э. Жумаев ўртоқлар шулар ҳақида ғурур билан ёзганлар.

Андижон бошқармасидаги «Октябрь» колхозидан Р. Неъматов, Чуст бошқармасидаги Ленин номли колхоздан Ж. Камолов, Охунбобоев бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоздан Н. Раҳмонов ўртоқлар ёзиб юборган хабарларда машина терими оммавий тус олаётганлиги маълум қилинади.

Мирзачўл ерларида ташкил этилган «Голодностепстрой»га қарашли «Пахтакор» совхози далаларида терим машиналари тўхтовсиз гурилламоқда.

Совхозда ҳозир 20 га яқин терим машинаси ишлаб турибди. Бу ҳақда хабар ёзиб юборган Ш. Зокиров, Э. Шомуродов ўртоқлар Иван Гузенко, Кўчин Жумабоев, Мамадали Ёрқулов, Раъно Аминова каби механик-ҳайдовчилар смена топшириғини ошириб бажараётганликларини қувонч билан маълум қиладилар.

Машина — инсоннинг дўсти. Терим агрегатларини унумли ишлатиш учун барча шароитни яратиб бериш, теримчилар, механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш колхоз ва совхоз раҳбарларининг, партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

ОЛТИН СЎТАЛАР

«Дала малинаси» меҳнатнинг қули экан. Бу йил 9 киши 61 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Мўл ҳосил олиш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат билан ишладик. 17 гектар ернинг шўр босганлигини ҳисобга олиб, бу ерларга оқжўхори, қолган майдонларга маккажўхори эндик. Механизацияга таянмай туриб шунча майдонда 9 киши деҳқончилик қилолмайди, албатта. Биз ҳамма ишларни тўла механизациялаштирдик.

Бригадамизнинг Очил Бердибоев бошлиқ звеносига қарашли 20 гектар ердаги ҳосил ўриб олинди. Ҳар гектаридан 1500 центнердан кўкпоя ва 100 центнердан дон олинди. Шамсиддин Исоқов звеноси ерларидан эса 1522 центнердан кўкпоя ва 56 центнердан дон олинмоқда.

Бригадамиз гектаридан 1512 центнердан силосбоп кўкпоя ва 56 центнердан дон топшириш мажбуриятини шараф билан бажаради.

Мелиқўзи ОМОНОВ.
Ленинград бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ЯСЛИЛАР ТЕЗРОҚ ҚУРИЛСИН

Куйбишев район халқ маорифи бўлимининг боғча ва яслиларга йўлланма берувчи комиссияси эшиги олдида одам анча гавжум. Ҳар бир она тезроқ комиссияга кириб арзимни айтсам, боламни яслига жойлаш учун йўлланма олсам деб интилади.

— Мен биринчи фарзандим туғилганда, ўтган йилнинг бошида навбат рўйхатига ёзилганман, яқинда иккинчи фарзандим туғилди. Наҳотки йўлланма ололмасам,— деб ташвишланади педагог Ольга Ким.

— Боламни яслига жойлаштириш учун икки йилдан бери қатнайман. Ахир, навбат қачон келар экан? — дейди ишчи М. К. Конова.

Хуллас, ариза кўтариб юрган она ва оталар анчагина. Комиссия аъзолари эса жой йўқлиги сабабли кўпгина оналарнинг аризаларига рад жавоби беряптилар.

— Боғча-яслига бўлган талаб кундан-кунга ортиб боряпти, аммо ўрин жуда кам,— дейди комиссия раиси, район бош педиатри М. О. Романичева.— Райондаги мавжуд яслиларда пландаги 1900 ўрнига 2,5 мингдан ортик бола тарбияланмоқда. Навбат рўйхатига эса икки мингдан ортиқ киши ёзилган.

Партия ва ҳукуматимиз ёш авлоднинг тарбияси, соғлом бўлиб ўсиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб янги боғча ва яслилар қурилмоқда, болалар муассасаларининг сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ўтган йилнинг бошида қабул қилган махсус қарорда боғча ва яслилар сонини янада кўпайтириш тадбирлари белгилаб берилди. Қарорда, республикамизда министрликлар, бошқармалар ва қишлоқ хўжалик артеллари кучи ва маблағлари билан янги боғча ва яслилар қуриш, мавжуд мактабгача тарбия муассасаларини кенгайтириш, маъмурий биноларни, колхозларнинг меҳмонхоналарини ва бошқа биноларни боғча ва яслилар учун мослаштириш ҳисобига мактабгача тарбия муассасаларидаги ўринларни пландагидан қарийб ўн марта кўпайтириш лозимлиги кўрсатилган эди. Тошкент шаҳар партия комитети ҳам шаҳарда болалар муассасалари сонини янада кўпайтириб, уларда 6110 ўрин ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Аммо ана шу қарорлар жуда сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 1 августигача ҳаммаси бўлиб 2125 ўрин ташкил этилган. Янги боғча ва яслилар қуриш учун ажратилган капитал маблағларнинг ярми ҳам сарфланмаган.

Пойтахтимиз кун сайин гўзал бўлиб, ободонлашиб бормоқда. Кечагина қурилиш майдончаси бўлган жойда бугун қарабсизки ҳашаматли, кўпқаватли уй-жой биноси қад кўтарган. Бу ерда яшовчилар учун барча шароитлар мавжуд: ҳоналар сув, газ билан таъминланган. Аммо бунинг ўзигина етарлими? Ахир янги уйда яшовчиларнинг кичик фарзандлари ота-оналари ишга кетганда қаерда қолишини ҳеч ким ўйлаб кўрганмикин? Афсуски, ўйлаб кўрмаган. Бу уйнинг яқин атрофида ясли ёки боғча йўқ. Оилада ташвиш бошланади: ота фарзандини ясли ёки боғчага жойлаш учун идорама-идора югур-югурга тушади, она ишдан қолишга мажбур бўлади. Айниқса, Чилонзор районида ана шу аҳволни кўриш мумкин. Ҳолбуки, бу масала олдиндан ҳал этилиши, янги уй билан бирга, болалар муассасалари ҳам қурилиши лозим эди. Бу жиҳатдан Москвада қўлланилаётган тадбир аҳамиятлидир: пойтахтда барпо этилаётган янги микрорайонлар у ерда болалар муассасалари бинолари қурилмагунча тайёр деб ҳисобланмайди. Бизда ҳам ана шу тадбир кенг қўлланилиши лозим.

Боғча ва яслилар етишмаслигига асосий сабаб—болалар муассасалари секин қурилаётганлигидир. Бу иш билан шуғулланувчи «Главташкентстрой» бошқармасига қарашли 153, 159-трестлар боғча ва яслилар қурилишини турли баҳоналар билан чўзиб юбормоқдалар. Масалан, шаҳарнинг Болгарские огороди массивидаги 140 ўринли боғча-ясли, Фрунзе район, Стахановцев кўчасидаги 100 ўринли боғча. Чилонзор районидаги болалар муассасалари қурилиши 153-трест (бошқарувчиси ўртоқ Ҳамидов) раҳбарларининг айби билан қечиктириб юборилмоқда. 159-трест (бошқарувчиси ўртоқ Абросимов) қураётган Боткин, Жарариқ кўчаларидаги болалар боғчалари ва яслилари қурилиши ҳам ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Боғча ва яслилар қурилиши ҳамон эски усулда олиб борилаётир. Ҳолбуки, бу соҳада янги усул—йирик панеллар қўлланилса суръат анча тезлашиши мумкин. 153-қурилиш трести пландаги 1780 ўринли боғча ва ясли ўрнига эндигина 560 ўринли боғча ва ясли қурган, холос. Болалар муассасаларини кўпайтиришда шаҳардаги кўпгина саноат корхоналарининг зиммаларида ҳам катта қарз ётибди. «Ташкенткабель» (директори К. Ф. Сафонов), «Ташсельмаш» (директори Б. М. Шевченко), «Таштекстильмаш» (директори М. Ф. Проскуряков) керамика (директори И. И. Бурнштейн), химия-фармацевтика (директори С. Исломбеков) заводлари, 1-пойафзал, пайпоқ-трикотаж фабрикаларининг раҳбарлари боғча-ясли қуриш ҳақидаги ўз мажбуриятларини бажармаётирлар. Бунга дам лойиҳа йўқлигини, дам Халқ хўжалиги кенгаши маблағ ажратмаётганлигини баҳона қилиб кўрсатилмоқда.

Республика Савдо, Коммунал хўжалик министрликлари ва «Ўзбекбирлашув» раҳбарлари мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётганликлари танқид қилинган эди. Афсуски, бу ташкилотлар боғча ва яслилар қурилишларини ҳанузгача жонлантириб юбормаётирлар. Савдо министрлиги қураётган Луначарское шоссесидаги 100 ўринли ясли-боғча ўтган йилдан буён битмасдан ётибди. Республика Алоқа министрлиги зиммасига Тошкентда 200 ўринли болалар боғчаси қуриш вазифаси юклатилган эди. Маълум бўлишича, ҳалигача бу бинони қуриш учун тегишли маблағ ажратилмаган. Шунингдек, «Ўзбекбирлашув» ва Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг Ёгочни қайта ишлаш ва коғоз саноати бошқармаси болалар муассасаларини қулай, ихчам мебеллар билан таъминлаш масаласини ҳанузгача ҳал қилмаётирлар.

Хуллас, болалар муассасаларини янада ривожлантириш, янги боғча ва яслилар қурилиши суръатини тезлатиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Тегишли ташкилотлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари лозим.

М. ХУДОЙҚУЛОВ.



Бир ясли қурилишининг тарихи.
М. Воробейчиков чизган расм.

ҲАР КУНИ 20 ТОННАДАН

1967 гектар пахта майдонининг 390 гектаридаги ҳосилни машиналарда териб олишга аҳд қилган Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхоз механизаторлари терим суръатини кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор Маҳбуба Насриддинова колхоз механизаторлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Мавсумда 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган ўртоқ Насриддинова кунига «ХВС-1,2» бункеридан 4 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкмоқда.

Шунингдек, Мелиқўзи Турсунов, Қўлдошбой Аҳмедов, Одилжон Фозиловлар ҳам кунига машинада 3,3—3,5 тоннага етказиб пахта термоқдалар. Шунинг учун ҳам колхоз бўйича фақат машиналарда ҳар куни 20 тонна пахта териб олиняпти.

С. ОДИЛОВ.

КЕКСАЛАР ҲИММАТИ

ФАРҒОНА, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XIX съезди» колхозида пахта йиғим-терими жадал суръатлар билан бормоқда. Колхоз шу кунгача давлатга йиллик планнинг 55 проценти миқдорида пахта сотди. Бунда колхоз кексаларининг ҳам ҳиссаси катта.

Ҳошим ака Тожибоев бошлиқ 70 кишилик чоллар, Замирахон Тўхлиева бошлиқ 55 кишилик кампирлар бригадалари пахта теримида фаол қатнашмоқда. Бу бригадаларда кундалик терилган пахта ҳар киши ҳисобига ўртача 45-50 килограммдан тўғри келмоқда.

Қариялар ишлаётган Ҳоким Қосимов, Нуриддин Мақсумов, Қосим Ғозиев, Фозилжон Собиров ўртоқлар бошлиқ бригадалар маррага етай деб қолди. Бу бригадаларда ҳар куни йиллик планнинг 4,5-5 проценти миқдорида пахта терилиб топширилмоқда.

— Колхозимиз сентябрь ойида давлатга йиллик планнинг 60 процентидан кўпроқ пахта топширади, — дейди колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ А. Эгамбердиев. — Биз пахта тайёрлаш планини 15 октябрда, мажбуриятни Улуғ Октябрь байрамигача тўла бажарамиз.



Иқболхонни толмас билан қиз дейишади. Бу гап рост. У, Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхозида 12 тонна пахта тераман деган. Моҳир теримчи ҳозиргача қарийб 5 тонна аъло нав пахта териб қўйди. Суратда: Иқболхон ҚОДИРОВА.

Л. Мейнерт фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳушхабарлар

ЯНГИЙЎЛ БОШҚАРМАСИДА

● Бу йил эл хирмонига 6 минг тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган Ленин номли колхоз аъзолари пахта йиғим-теримини ҳар томонлама қизитиб юбордилар. Колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2-2,5 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, бошқарма колхозлари орасида пешқадамлик қиляпти.

Колхоз аъзолари планни узоғи билан 25 октябргача бажариш учун суръатга-суръат қўшмоқдалар.

● Олмозор (собиқ Вревский) даги механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсини яқинда 65 йигит-қиз битириб чиқди. Ёш механик-ҳайдовчилар ишлаш учун ўз колхозларига жўнаб кетдилар.

● Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Хўжаликда икки йилга етадиган дағал хашак тайёрланиб, ғарамлаб қўйилди. Тайёрланган хашак 3 минг тоннадан ортиқдир.

● Машъал хўжалик — «Шарқ юлдузи» колхозининг чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлида астойдил курашиб, улкан ғалабани қўлга киритдилар. Улар бошқармада биринчи бўлиб сут тайёрлаш йиллик планини ошириб бажардилар. Пландаги 2050 центнер ўрнига давлатга 2400 центнердан ортик сут топширилди.

Шунингдек, Киров номли колхоз чорвадорлари ҳам сут тайёрлаш давлат планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

● «Чиноз» наслчилик совхозининг 4-бўлимида қурилиб ишга туширилган «Карусель» сут соғиш агрегати катта иқтисодий фойда келтиряпти. Ҳозир совхознинг 2 ва 3- бўлимларида ҳам «Карусель» аппаратини монтаж қилиш тугалланай деб қолди. Бу «Карусель» фойдаланишга топширилгач, яна 600 бош сигирни машинада соғиш имконияти туғилади.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетаси мухбирлар постининг аъзоси.

КОМБАЙНДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Хирмонга йиғилган ва қоп-қанорга жойланмаган пахтани машиналарга ортиш ҳамон сермеҳнат иш бўлиб қолмоқда. Мавжуд транспортёрлар ҳозирги талабни қондиролмаётир. Шунинг учун биз ўйлаб-ўйлаб қоп-қанорсиз ташиладиган пахтани ортишда «СК-2,6» маркали маккажўхори комбайнларидан фойдаланиш мумкин деган хулосага келдик.

Бунинг учун мазкур комбайннинг кескич барабани, мотовиласи, узатиш барабани ва кесиш аппаратларини олиб қўйиб, фақат транспортёрдан фойдаланиш керак. Транспортёрдан барча маркадаги тракторларга тиркаб фойдаланиш мумкин. Маккажўхори комбайнини пахта ортишда ишлатилса, меҳнат сарфи кескин камаяди.

В. СИНЯВСКИЙ,
Г. КУРБАТОВ,
«Узсельхозтехника» Фарғона область бўлимининг инженерлари.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Тўйбегим Хидирова, Малика Панеева, Моҳира Рўзиева каби илғор теримчилар колхоз радиоузели орқали ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар. Вобкент бошқармасидаги «Ленинобод» колхози партия ташкилоти терим илғорлари тажрибасини оммалаштиришга катта эътибор беряпти. Натижада колхозда кўпминг килограммчилар сафи кун сайин кенгаймоқда.

С. Ғаффоров.

●

Биринчи теримдаёқ гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтарган Қ. Авазов, М. Саломов ўртоқлар бошлиқ бригадалар бирнеча кундан буён мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Косон бошқармасидаги «Партия XX съезди» совхозининг бу бригадалари аъзолари гектаридан яна 15 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Ж. Юсупов.

●

Поп бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Малика Ҳасанова, Жалолиддин Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида пахта топшириш 2,5-3 процентни ташкил қилмоқда. Турсуной Дадажонова, Адалот Қувватова, Зиёрат Шерматова, Омина Улуғбоева каби чеварлар ҳар куни 210-240 килограммдан пахта териб, «оқ олтин» тайёрлаш суръатини оширишга муносиб ҳисса қўшишяпти.

О. Ҳомидов.

●

Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш тобора қизғин тус олаётган ҳозирги пайтда Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Ленин йўли» колхози агитаторлари оммавий-сиёсий ишларни кучайтирдилар. 21 та пахтачилик бригадасида коммунист ва комсомоллардан иборат 84 агитатор иш олиб бормоқда. Улар марокли сухбатлар ўтказиб, теримчиларнинг меҳнат активлигини оширмоқдалар. Кўпминг килограммчилар сафига кейинги кунларда яна 100 дан ортиқ кишининг қўшилганлиги колхозчилар орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг самарасидир.

Т. Ҳушназаров.

ФАН ОЛАМИДА

ШЎРХОК ЕРЛАР БЎЛМАЙДИ

Шўр — ҳар қандай экиннинг аддий душмани. Жуда кўп олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари шўрхок ерларни ҳосилдор боғларга айлантириш устида иш либ бормоқдалар. Москвадаги К. А. Тимирязев номли ўсимликлар физиологияси илмий-тадқиқот институти коллективи ҳам бу вазифани бажаришда анча иш қилган.

Маълумки, шўрхок ерларда хлорид, сода, сульфат ва бошқа турли тузлар туз-туман тузлар йиғилган бўлади. Бу тузларнинг ҳар бири ўсимликларга турлича таъсир этади. Натижада ўсимликлар илдизидаги намлик борган сари камая боради. Ўсимликларда модда алмашиш процесси ҳам бузилиб, улар тез орада қуриб қолади.

Тузларни йўқотишнинг турли усул йўллари ишлаб чиқилган. Агар ерда хлоридлар кўп бўлса, унга экиладиган уруғлар оқ тусининг тўйинган эритмаси — натрокоб билан, сульфатлар кўп бўлса магний тузлари билан ишланади. Натижада уруғ шўрхокдан зарар кўрмайди.

Қ. АХМЕРОВ.



Республикамиз пойтахти Тошкентда қардош санъаткорларнинг концертлари тез-тез бўлиб туради. Свердлов номли концерт залида СССР халқ артисти А. В. Свешников раҳбарлигидаги рус Давлат академик хор артистларининг гастроль концерти бошланди. Концерт пойтахт томошабинларига манзур бўлаётир. Суратда: хорнинг чиқиши.

Н. Глауберзон фотоси.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ»

Журналнинг ранг-баранг, қизиқарли материаллар билан безатилган сентябрь сони босмадан чиқди. Унинг дастлабки саҳифалари пахта йиғим-терими-ga бағишланган. Журнал Эркин Воҳидовнинг «Хирмонларга барака» шеър билан очилади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари К. И. Улаеванинг «Халқ маорифининг равнақи йўлида» сарлавҳали мақоласида коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврда ёш авлодни тарбиялашда республикамиз халқ маорифи ходимларининг иш тажрибалари ҳикоя қилинади.

Р. Бўлатовнинг «Муҳтарамга етингиз» лавҳаси, Борис Пармузиннинг «Оддий кунинг нашъаси» очерки. Пўлат Мўминнинг «Янги мактаб» лавҳаларидан ўқийсиз.

Булардан ташқари, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» повестидан парча. Лев Толстойнинг «Фақирлар» ҳикояси, «Дугоналари-миз ижодидан» рубрикаси остида Литва шоираси Янина Дягутитеннинг шеърларидан намуналар босилган.

Шунингдек, журналнинг «Врач маслаҳати», «Фойдали маслаҳатлар», «Пазандалар маслаҳати» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

ЧЕТ ЭЛ ИРРИГАТОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ирригаторларнинг Ўзбекистонда бўлаётган халқаро семинарида назарий машғулотлар тугади. Ҳиндистон, Югославия, Эфиопия, Судан, Греция, Кипр, Эрон, Покистон ва Суриядан келган мутахассислар гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш соҳасида совет мутахассислари эришган тажриба тўғрисида бир қанча лекция тингладилар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқитувчилари лекция ўқидилар.

Семинар қатнашчилари 27 сентябрда республиканинг ирригация иншоотлари билан таниша бошладилар. Улар Фарғона водийсида, Мирзачўлда, Чирчиқда бўладилар. (ЎзТАГ).

ЯШНАЁТГАН ШАҲАР

Республика Олий Совети Президиумининг Фармони билан Қорақалпоғистон АССРдаги балиқчилар посёлкаси «Мўйноқ шаҳар деб номлана бошлади. Бу хушхабарни Мўйноқ механизаторларигина эмас, балки бутун Автоном республика аҳолиси зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Балиқ саноати марказий механизаторларидан бу гамхўрлик учун совет ҳукумати ва жонажон Коммунистик партияга чин қалбдан меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор қилмоқдалар. Кенсаларнинг хотирлашича, ҳозирги шаҳар ўрнида илгари тупроқ деворлар тикланган саноқли уйларгина бўлган. Бу уйларда истиқомат қилувчилар балиқчилик қилиб кун кечиришган. Эндиликда Мўйноқда республиканинг йирик балиқчилик саноати вужудга келди. Шаҳарда олтита балиқ ва консерва заводларини бирлаштирган комбинат ишлаб турибди. Шаҳар денгиз портига эга. Машина-мелиоратив станцияси, сут-сабзавотчилик совхози бор.

Комбинат ишлаб чиқараётган балиқ консервалари ва бошқа хил балиқ маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларида машҳур.

Мўйноқ шаҳри тобора гуллаб яшнамоқда. Катта қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Яқиндагина аэропорт ҳодимлари учун янги шинам уй қуриб фойдаланишга топширилди. Уй-жой қурилиши яна авж олдирилади. Ишлаб чиқариш таълими берадиган 11 йиллик мактаб қурилятти. У 536 ўқувчига мўлжалланган. Шаҳарда кенг экранли кинотеатр бунёд этилади. Келаси йилдан бошлаб 25 километр узунликда водопровод тармоқлари қуриладти. Бу эса янги шаҳарни тоза сув билан таъминлаб туриш масаласини батамом ҳал қилади.

Шаҳар ҳақида ва унинг келажаги тўғрисида фикр юритганда донгдор кишилар қўлга киритаётган меҳнат зафарларини қайд қилмай илож йўқ. Улар аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашдек шарафли вазифани адо этишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. «Октябрь XV йиллиги» колхозининг моҳир балиқчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Убайтжон Азиров яқинда Ленин ордени билан мукофотланди. Сергайрат балиқчи ҳозиргина ўзидаёқ етти йиллнинг мўлжалланган икки нормани адо этиб қўйди. У 1965 йилнинг охиригача яна бир етти йиллик нормани до этишга бел боғлаб, фидокорона меҳнат қилаётир. Балиқ саноатида қарийб 50 йилдан буён баракали меҳнат қилиб келаётган Трофим Гончаров, консерва заводининг ижодкор инженери Василий Попов ва бошқа ўртоқлар ўз меҳнатлари билан шаҳар аҳолиси ўртасида катта шуҳрат қозонмоқдалар.

Янги шаҳар меҳнаткашлари бутун куч ва имкониятларини сафарбар этиб, Мўйноқни гуллаган, кўркам, ишлаб чиқариши тараққий этган шаҳарга айлантириш учун курашаётирлар.

У. АРЗУЕВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

Оламда янгилик гап

ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИНГ ТАНТАНАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 сентябрь. (ТАСС). БМТ штаб-квартирасининг кулуарларида делегатлар ва журналистлар СССР Олий Совети Президиумининг ядро синовларини тақиқлаш ҳақидаги Шартномани ратификация қилганлигини мамнуният билан кутиб олдилар.

БМТдаги Куба делегациясининг бошлиғи Карлос Лечуга ТАСС мухбирига айтдики, космик фазода, атмосферада ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатининг тантанасидир.

Либериянинг БМТдаги доимий вакили Натан Барнс Либерия делегацияси СССР Олий Совети Президиумининг Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қарорини эшитиб, хурсанд бўлганлигини айтди. Ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома, деди у, қуролсизланиш йўлидаги дастлабки ва муҳим қадамдир.

ТАСС мухбири суҳбатлашган бошқа делегатлар ҳам СССР Олий Совети Президиумининг қарорига юксак баҳо бердилар. Улар бу қарор халқаро кескинликни юмшатиш ишига кўшилган муҳим ҳисса эканлигини таъкидладилар.

ПРАГА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МИТИНГИ

ПРАГА, 26 сентябрь. (ТАСС). Мюнхен тил бириктиришининг 25 йиллиги муносабати билан кеча Прагада Чехословакия пойтахти меҳнаткашларининг оммавий митинги бўлди.

Прага меҳнаткашлари митингининг қатнашчилари резолюция қабул қилиб, унда Ғарб давлатларининг герман милитаризмини тиклаш йўлидаги ҳаракатларини қоралайдилар.

ФРАНЦУЗ КОММУНИСТЛАРИ НИФОҚЧИЛАРНИ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 26 сентябрь. (ТАСС). Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашларида ўз зиммаларига олган мажбуриятларидан воз кечиб, тинч-тотув яшаш сиёсатига қарши чиқаётган Хитой Компартияси раҳбарларининг сектантчилик ва авантюристик позицияларини қоралаймиз, — дейилади Комм департаменти Коммунистик федерациясининг бюроси қабул қилган резолюцияда.

«Хитой Компартиясининг раҳбарлари оммаинг ҳаракатига ишонмай қўйганликлари ва давримизнинг характерини назар-эътиборга олмаётганликлари, — дейилади резолюцияда, — у ларни марксизм-ленинизм принципларини бузишга, фракциячилик ва нифоқчилик фаолиятига олиб келди».

Резолюция авторлари ядро синовларини қисман тақиқлаш тўғрисида Москва Шартномаси имзоланганлигини табриклаб, департамент аҳолисини ёппасига қуролсизланиш учун актив кураш олиб боришга чақиради.

Андр ва Лаура департаментининг Коммунистик федерацияси комитети ҳам резолюция қабул қилиб, Москва Шартномасини табриклади. Бу Шартномада, дейилади резолюцияда, чидам билан ва оқилона музокаралар олиб бориш йўли низоли халқаро проблемаларни тинч ҳал қилиш учун нақадар самарали эканлигини кўрсатиб турибди. «Москва Шартномаси халқаро кескинликни ҳар қандай юмшатишга қаршилик кўрсатиш мақсадида кетма-кет найранг ишлатаётган де Голль ҳукуматининг авантюристик сиёсатига қарши курашни кучайтирувчи зўр восита бўлади». Хитой Компартияси раҳбарларининг Москва Шартномасига нисбатан тутган позицияси федерал комитетни афсуслантиради. «Бу позиция, дейилади резолюцияда, Хитой Компартияси раҳбарларини халқаро коммунистик ҳаракатнинг жуда катта кўпчилигидан ажратиб турган туб келишмовчиликларнинг чуқурлигини кўрсатиб турибди». Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Франция Коммунистик партияси ва бошқа қардош партиялар шаънига Хитой раҳбарлари томонидан айтилаётган туҳмат гапларни комитет қатъиян рад қилади.

ЯНГИ ЯМАННИНГ БИР ЙИЛЛИГИ

САНА, 26 сентябрь. ТАСС мухбири А. ПИСЬМЕННИЙ хабар қилади:

Бугун Яман халқи ўз революциясининг ва мамлакатда республика тузуми эълон қилинганлигининг бир йиллигини нишонламоқда.

Ана шу қувончли воқеа муносабати билан Сана, Таиз, Худайда шаҳарлари ва бошқа шаҳарларнинг кўчалари байрамлардагидек безатилган ва шоду-ҳуррам халқ билан тўлган.

Ички реакциянинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Ғарбдаги империалистик давлатларнинг билвосита ва тўғридан-тўғри аралашувларига қарамай, республика ўзининг бир йиллигини натижасиз ўтказгани йўқ.

Мана, баъзи рақамлар. Яманликларнинг уйларига чинақам нур кирди. Агар бундан бир йил илгари бутун Яманда ҳар куни 4600 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги вақтда биргина Санада 5500 киловатт, Таизда 4000 ва Худайдада 2500 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бундан бир йил муқаддам электр энергиясидан Сана, Таиз ва Худайда шаҳарларидагина фойдаланилган бўлса, ҳозирги вақтда сиз электр чироқларини Дамарда ҳам, Забидда ҳам, Такрабда ҳам, Раддда ҳам кўрасиз. Революциянинг бир йиллиги кунида Санада социалистик Югославия мутахассисларининг ёрдами билан қурилган электростанция биринчи ток берди.

Яманликлар Яқин Шарқдаги энг катта аэродромлардан бири бўлган Яман Араб Республикасининг пойтахти Сана шаҳридан 14 километр нарида қурилишини ўзларининг катта ғалабаларидан бири деб асосли суратда ҳисоблайдилар

Яманда мактаблар шохобчаси анча кенгайди. Шу йил охирларигача Яман тарихида биринчи марта учта ўрта мактаб очилади.

Республика ҳаётининг биринчи йили натижалари Яман халқи ўтмишининг оғир меросларини тугатиб, тараққиёт йўлидан қатъий ва ишонч билан олға бораётганлигидан далолат беради.

ФУТБОЛ

«СОКОЛ» МАСТЕРЛИККА ДАЪВОГАР

Ўтган йили миллионлар кубогини Тошкентга олиб келган, бу йил республика биринчилигининг уч ўйини ўтказилмаган бўлишига қарамай, чемпион бўлган, ВЛКСМ Марказий Комитети таъсис этган «Умид» кубоги учун ўтказилаётган учрашувларда муваффақиятли қатнашаётган Тошкентнинг «Сокол» командаси «Б» классига ўтиш даъвогаридир. Унга бундай ҳуқуқни Ўзбекистон чемпиони унвони берди.

Беш ойдан ортиқ давом этган республика чемпионатига яна бир ҳафтадан кейин якун ясалади. Республикамиз шаҳарлари ва областларининг 16 та командаси чемпионлик учун куч синашди. Икки группада 1-5 ўринни эгаллаган командалар финал «ўн»ликни ташкил қилиб, такрор учрашмасдилар. Дастлабки натижалар финалда ҳисобга олинарди. Бошқача қилиб айтганда, биринчилик ўтган йилги СССР биринчилиги системасида ўтказилди.

Биринчи группадан «Сокол», «Старт» (ҳар иккиси Тошкентдан), «Восток» (Янгиобод), «Буревестник» (Нукус), «Металлург» (Олмалиқ), иккинчи группадан «Текстильшчик», АСК-II (Тошкент), Свердлов номли колхоз, «Спартак» (Термиз) ва «Меҳнат» (Андижон) командалари чиқди. «Сокол», «Текстильшчик» ва Свердлов номли колхоз командалари чемпионлик учун асосий даъвогар эдилар. Кураш асосан мана шу уч команда ўртасида борди. «Сокол» асосий рақиблари «Текстильшчик»ни 2:0, Свердлов номли колхоз командасини 1:0 ҳисобида ютиб, анча илгарилаб кетди.

Ҳали чемпионатнинг уч турини ўтказмаган «Сокол» 1963 йилги республика чемпиони бўлди. Бу — аҳил ва иноқ коллективнинг, қола берса тренер Е. Валицкийнинг катта ютуғидир. «Сокол» иттифоқчи республикалар иккинчи зонасида республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси билан куч синашади,. Фарғоналиклар 11 очко билан турнир жадвалининг охирида бормоқдалар. Турнир тугашига 6 тур қолди. Самарқандниинг «Спартак» командаси улардан 9 очко ўзиб кетди.

Шуниси қувонарлики, «Сокол» «Умид» кубоги учун ўтказилаётган учрашувларда муваффақиятли қатнашмоқда. Тошкентлик футболчилар ўрта Осиё зонасида голиб чиқиб, финалда қатнашиш ҳуқуқини олди.

Ш. УМРЗОҚОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

● САМАРҚАНД. Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхозининг Бешбармоқ қишлоғи марказдан 60 километр узоқда. Колхоз правленеси ана шуни эътиборга олиб, Бешбармоқда 8 йиллик мактаб биноси қурди ва ишга туширди. Ҳозир бу мактабда чорвадорларнинг болалари билим олмоқда.

М. УСМОНОВ.

● АНДИЖОН. Андижон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинград» колхозида янги катта магазин қуриб ишга туширилди. Шунингдек, газета ва журналлар билан савдо қилувчи киоска, соатлар ремонт қиладиган устахона очилди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

● ФАРҒОНА. Область маданият бошқармаси Қўқон шаҳрида тажриба алмашув семинари ўтказди. Семинарда область, район, шаҳар ва қишлоқ клубларининг мудирлари, Маданият уйларининг директорлари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг раҳбарлари ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

М. ОРЗИЕВ.

● БУХОРО. Шаҳарда ва область районларида ҳинд кинофильмлари фестивали ўтказилди. Фильмларни область меҳнаткашлари қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ж. ТУРДИЕВ.

● СИРДАРЁ. Янгиер бошқармасидаги 1-«Боёвут» совхозининг 5-бўлимида ремонтхона, устахона қурилди, янги гараж ишга туширилди.

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

● АНДИЖОН. Райондаги «Партия XXII съезди» колхози территориясида 35 ўринли янги туғруқхона биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 520 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб ўқувчиларни ўз қучоғига олди.

З. ЎРМОНОВ.

Обид ЖАЛИЛОВ

Совет санъати оғир жудоликка учради. Ўзбек совет театрининг асосчиларидан бири, Ўзбек саҳнасининг атоқли актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Обид Жалилов оғир касалликдан кейин 67 ёшда вафот этди.

Обид Жалилов Тошкент шаҳрида куювчи-ҳунарманд оиласида туғилди, у ўзининг артистлик фаолиятини Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин Тошкентда вужудга келган ҳаваскорлик театр тўгаракларида бошлаб, тез орада Карл Маркс номли Ўзбек драма труппасига кирди. Ҳозирги Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг асосий негизи ўша труппа бўлган эди.



Ўзининг ажойиб туғма қобилияти ва зўр истеъдоди туфайли, шунингдек саҳна санъатининг сирларини эгаллаш соҳасида астойдил меҳнат қилиши, актёрлик малакасини тинмай ошириши туфайли Обид Жалилов Ўзбек совет санъати устасларининг биринчи сафларидан ўрин эгаллашга муяссар бўлди.

Обид Жалилов қирқ йилдан зиёдроқ саҳна фаолияти даврида Ўзбек ва рус совет драматургларининг пьесаларида, шунингдек классик репертуар пьесаларида юздан ортиқроқ рангба-ранг ролларда ўйнади. У кишининг эсида узоқ вақтгача сақланиб қоладиган, Ўзбек совет театр хазинасидан муносиб жой олган ажойиб ёркин образлар галереясини яратди.

Обид Жалилов шу билан бирга Тошкент бадиий ва ҳужжатли фильмлар студиясини ишлаб чиқарган кўпгина фильмларда муваффақиятли равишда қатнашди.

Обид Жалилов экранда яратган замондошларимизнинг образи миллионмиллион совет кино томошабинларининг мулки бўлиб қолди.

Обид Жалилов «Алишер Навоий» спектаклида қатнашгани учун 1949 йилда Давлат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди. Ҳукумат Обид Жалиловнинг театр ва кино санъатини ривожлантиришдаги катта хизматларини ҳисобга олиб, уни икки марта Меҳнат Қизил байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

1939 йилда Обид Жалиловга «Ўзбекистон ССР Халқ артисти» Фахрий унвони берилган эди.

Ажойиб санъат устаси, жозибали инсон, принципиал коммунистнинг порлоқ хотираси қалбларимизда мангу барҳаётдир.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги.
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кинематография давлат комитети.
Ўзбекистон ССР театр жамияти.
Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи.
Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 СЕНТЯБРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Тбилиси) командалари ўртасида футбол, танаффус вақтида — Телевизион янгиликлар, 19.45 — Болалар учун фильм, 19.55 — Концерт (Людмила Зикина ижросида), 20.20 — Агар дўстинг чақирса номли киноповесть.

21.45 — Эртанги кун программаси.

Ўзбек тилида: 21.50 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи (ота-оналар учун), 22.25 — Телевизион янгиликлар, 22.40 — Совет Ўзбекистони киножурнали. 22.50 — «Зангори нема» напиталари учун эшиттириш ва концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IX да Алишер Навоий, 29/IX да Гамлет.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти

Обид ЖАЛИЛОВНИНГ

вафот этганлигини қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

КИНО ХАЛҚ ЖАСОРАТИ



ФИЛЬМДАН КАДР.

Зални тўлдириб ўтирган томошабинларнинг диққат-эътибори экранда. Беҳудуд денгиз тўлқин отади, пишқиради, бир-бирини қувади, зўр куч билан қирғоққа келиб урилади. Ана шу баҳайбат кучга эга бўлган пўртана гирдобида матрослар пайдо бўлади. Бир лаҳзада бу матрослар гойиб бўлиб, улардан фақат икки киши қолади. Мана, бири ёш, иккинчиси кекса матрос денгиз тўлқинлари олдида туриб, залда ўтирган томошабинларга мурожаат қилади: Ҳозир сиз кўрадиган кишиларни асло унутманг, улар ҳам худди сизлардай ҳаётни севарди, бола-чақали, ёшу-қари, мард кишилар эди. Улар сизларнинг бугунги бахтли ҳаётларингиз учун курашиб, оғир кураш гирдобларида ҳалок бўлдилар. Ҳа, улар қурбон бўлдилар. Уларнинг ҳаёти сизларга — келажак авлодларига намуна бўлсин, дейди.

Сўнг, фильм воқеаси бошланади. Атоқли совет драматурги Всеволод Вишневскийнинг «Оптимистик трагедия» пьесаси ўттиз йилдирки, жаҳон театрларининг кўпгина саҳналарида зўр муваффақият билан ўйналиб келинмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва революциянинг дастлабки кунларида мамлакатнинг денгиз чегараларида, катта жанговар кучга эга бўлган денгизчилар орасида бўлиб ўтган воқеалар бу классик асарда ўзининг ёркин, реалистик ифодасини топган.

Фильм яратилишида сценария авторлари марҳум драматургнинг хотини С. Вишневецкая ва режиссёр С. Самсонов, оператор В. Манахов, рассомлар Н. Новодережкин, С. Воронков, композитор В. Дехтеров ва қўшиқлар текстини ёзган М. Матусовский пьеса руҳини тўла сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Фильм персонажларининг ҳаёти, кураши ва интилишлари, қўшиқ ва оғир дамлари драматург В. Вишневский ўз пьесасида талқин қилган қаҳрамонлар ҳаёти ва курашини эслатади. Шу билан бирга кинематография имкониятларидан кенг фойдаланиб, пьеса идеясини очишда ёрдамлашадиган эпизодлар суратга олинган ва бу эпизодлар персонажлар характерини очишда ёрдамлашган.

Фильмда ҳам худди пьесадагидек асосий қаҳрамонлар — Комиссар, Бошлиқ, Алексей, Сиплий ва командирнинг ҳаёти кенг кўламда кўрсатилади. Лекин бу персонажлар билан бирга томошабин кенг экран орқали революция йилларининг улкан жанговар нафасини, жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатиб, инсониятнинг порлоқ келажаги учун ўз ҳаётларини аямаган революция жангчиларининг қаҳрамонона курашларини кўз олдидан ўтказади.

Революциянинг дастлабки кунларида Болтиқ ва Қора денгиз қирғоқларида турган ҳарбий кемаларда турли маслакдаги группалар пайдо бўлади. Айрим жойларда анархия бошланади. Революция ишидан, Ватан ва халқ тақдиридан ўзини четга олиб қочган, бемақсад, бетайин кишилар Совет ҳокимияти учун олиб борилаётган муқаддас жангларга ҳалақит беришга уринибгина қўрадилар. Бир томонда революция кучлари ва бир томонда бетайин анархия гуруҳлари пайдо бўлади. Улар ўртасидаги ҳаёт-мамот курашн фильмга асос қилиб олинган.

Фильм марказида Комиссар қизини кўрамиз. Артистка Маргарита Володина Коммунистик партия топшириғи билан денгиз пиёда аскарлари полкига ишга юборилган комиссар образини яратишда ўз устида қунт ва маҳорат билан ишлаганлигини яққол сезиб турамиз.

Мана, баҳор қуёшидан баҳра олиб, энди бўй чўза бошлаган навниҳол — ёшгина қиз қатердан ҳарбий кема палубасига қадам қўяди. Кема экипажи ҳарбийча кийинган, қаттиқ қўл, зийрак ва доно бу қизни менсимайди, уни масхара қилмоқчи бўлади. Ҳақорат сўзларини эшитилади; Комиссар ўзини ҳақорат қилишга уринган душманни отиб ташлайди. Ҳеч кимга бўйсунмай, анархияга йўл қўйилган ҳарбий кемадаги матрослар орасида Бошлиқ ва унинг шериклари бўлади. Матрос кийимидаги бу Бошлиққа ҳамма итоат қилади, унинг буйруғини ижро этади. Бошлиқ буйруғи билан кемада бебошлиқ бошланади. Ҳамёнини йўқотиб қўйган кампир ва ҳамённи ўғирлашда гумон қилинган матрос беҳақ денгизга ирғитилади. Интизом ва тартиб Бошлиқнинг айби билан бўшашиб кетади. Матрослар кимга бўйсуниб, кимга итоат қилишни билмайдилар.

Ана шу оғир ва масъулиятли паллада Комиссар матрослар орасида катта сиёсий-тарбиявий иш олиб боради. У, анархияга барҳам бериш га, матрослар орасида революцион руҳни кучайтиришга ҳаракат қилади. Комиссар ёши ўтиниқираган, денгиз қирғоқларида ва сувларида кўп умрини ўтказган Бошлиқ, Сиплий, шунингдек ёш, лекин Бошлиқнинг таъсирига тушиб ножўя хатти-ҳаракатлар қилувчи Алексей орасида иш олиб боради.

Комиссарнинг матрослар манфаатини кўзлаб иш тутиши, ноҳақликларга шафқатсизлиги, жангларда қўрқмаслиги, ўзига мурожаат қилган кишиларга доно маслаҳатгўйлиги унинг матрослар орасида эста-секин ҳурмат қозонишига олиб келади. Матрослар полки ўжар ва бетайин Бошлиқдан юз ўгириб, комиссар томонга ўта бошлайдилар. Бошлиқнинг ўнг қўли бўлган жоҳил матрос Алексей ҳам комиссар олдида бош эгиб, унинг сўзларига эътибор бера бошлайди, ҳатто уни чин юракдан севиб қолади. Алексей ролини ўйнаган талантли артист В. Тихонов ёш, қайноқ, баҳодир, шу билан бирга эски ҳаёт таъсирида қолиб кетган ўжар матрос образини эсда қоладиган деталларда талқин эта олган. Томошабин Алексейни қалби яхшиликка интилувчи ёш матрос деб билади ва унга ҳурмати ошa бошлайди.

Таниқли артист Борис Андреев фильмда Бошлиқ ролини зўр маҳорат билан ижро этган. Бу образни яратишда артист катта маҳорат кўрсатган. У ўзининг бутун ижодий қобилиятини ишга солиб, ўз қаҳрамонининг мураккаб характерини деталларда очиб беради. Мана, вожаҳати ҳунук, жаллоднамо, баҳайбат матрос ёш комиссар томон битта-битта юриб келмоқда. Уни кўрган ва йўлида дуч келган матрослар ўзларини қўрқув аралаш четга оладилар. Фақат комиссар унинг кўзларига тик қарайди, революция номи билан, партия номи билан унга буйруқлар беради. Лекин умрида бир марта ҳам кулмаган, бадқовоқ, баджаҳл Бошлиқ денгизчилар полкига яхшилик келтирмайди, аксинча ўзбошимчалик қилади, кўп жангчиларнинг ноҳақ қурбон бўлишига сабабчи бўлади. Бу эса полкда унга нисбатан норозиликни пайдо этади, ғалаён кўтарилади. Комиссарнинг, қўмондонликнинг буйруғи билан Бошлиқ отиб ташланади.

Полк революция душманларига қарши жангларга отланади. Полк ичидаги сотқинлар, отиб ташланган Бошлиқнинг малайлари полкка хиёнат қиладилар. Жангга кирган полкнинг айрим батальонлари душман қуршовига тушиб қолади, полкнинг севимли комиссари ҳалок бўлади.

Комиссар образи ёркин тонг юлдузига ўхшайди. Тонг элчиси бўлган бу юлдуз эски дунё зулмати орасидан порлаб, ёркин кундуз куни келаётганини, қуёш порлаб чиқаётганини эслатиб туради. Фильмда кўрсатилган Октябрь солдатлари қаҳрамонона яшаб, қаҳрамонона ҳалок бўладилар. Уларнинг ёркин образлари киши ёдидан кўтарилмайди, ҳаётни севишга ўргатади. Халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишига бағишланган бу фильмнинг тарбиявий аҳамияти ҳам ана шунда.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ

КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30,256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Секретариат — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 11177. Индекс 64543. № 227.